

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов маъруза қилди. Ҳужжат концепциясини муҳокама қилиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун адвокатура институтини ривожлантириш ва тақомиллаштиришни муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Қонунчилик палатаси муҳокама пайтида билдирилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзоси Ш. Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» қонун лойиҳасини ўқиниб ўқишда қўриб чиқиш учун тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамага ўтказилганидан кейин депутатлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Ш. Ташаев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини нормаларини қўлайлиги амалиёти ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар муҳокама жараёнида киритилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси, шунингдек, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси А. Тўхтабоев томонидан тақдим этилган «Солиқ тўғрисида» қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар муҳокама пайтида билдирилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқлар ошлар ва парламентларо алоқалар кўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти тўғрисида кўмига раиси М. Тешаев ҳисобот берди. Таъкидлаб ўтилдики, кўмига Қонунчилик палатасининг парламентларо алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, прогрессив халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, муайян имкониятлар рўйбга чиқарилмаганлиги кўрсатиб ўтилди ва кўмига ишнинг тақомиллаштириш учун тақлилий ишларни амалга ошириш салоҳиятидан кенроқ фойдаланиш топширилди. Депутатлар ҳисоботни муҳокама қилиш асносида кўмига қўйилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг раиси А. Аҳадов кўмитанинг 2005–2007 йиллари ҳамда 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот билан сўзга чиқди. Ана шу давр ичиде кўмига амалга оширилган иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, солиқ қонунчилигини тақомиллаштириш бўйича ана иш қилди. Кўмига қонун ҳужжатларида берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда қонунлар жойларда яхши этилишини таъминлаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Ҳисоботни муҳокама қилиб ва маъқуллаб, депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

Бунгунги кунгача давлат органларининг 38 та ахборот тизими рўйхатдан ўтган, бу йил бошидаги нисбатан 25 тага кўпдир. Рўйхатга олинган давлат ахборот ресурсларининг сони 149 тага етди, бу кўрсаткич йил бошидаги нисбатан 104 тага кўп. Эндиликда вазирилик ва идоралар ўзларининг расмий веб-сайтлари орқали 43 та асосий давлат интерактив хизматлари ва 34 та қўшимча хизматлар кўрсатмоқда.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИФИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлат интерактив хизматларнинг миқдори ва сифатини ошириш, ҳусусан, мавжуд компьютер техникасидан самарали фойдаланиш ҳамда барча вазирилик ва идоралар томонидан, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бундай хизматларни қўлайлиги зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат статистика кўмитаси раҳбарларининг давлат солиқ ва статистика ҳисобдорлигини электрон шаклда тақдим этиш тўғрисидаги маърузалари тинланди. Тошкент шаҳрида бу йўналишда амалга оширилаётган ижобий ишлар қайд этилди, республика бўйича энг янги тизимларни жорий қилиш юзасидан тавсиялар берилди. Вазирилик, идора, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши бўйича тегишли ахборот тизимларига ўтишлари зарур.

Муҳокама давомида мазкур масалалар бўйича бир қатор вазирилик ва идоралар фаолиятида қамчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг раҳбарларига аниқланган қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вазифаси юкланди, соҳа мутахассисларига тақлифлар берилди.

Қўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бунгунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат таъминоти муаммолари кўпайиб бораётгани ҳақида сўз келиб чиқди. 2006 йилдаги нисбатан ўртача икки баравар, сабзавот маҳсулотлари нархи эса ундан кўпроқ ошгани бунинг яққол мисолидир. Бундан ташқари, кейинги йилларда нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам тақорланаётган сув танқислиги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қатор муаммоларни вужудга келтириб, экин ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШУ ЙИЛ 21 ОКТЯБРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙDONЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КўПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ги Фармони озиқ-овқат экинлари маҳсулотлари ҳажминини янада ошириш, турларни кўПАЙТИРИШ ВА Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Бунгунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат таъминоти муаммолари кўпайиб бораётгани ҳақида сўз келиб чиқди. 2006 йилдаги нисбатан ўртача икки баравар, сабзавот маҳсулотлари нархи эса ундан кўпроқ ошгани бунинг яққол мисолидир. Бундан ташқари, кейинги йилларда нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам тақорланаётган сув танқислиги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қатор муаммоларни вужудга келтириб, экин ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

айтадиган бўлсак, ушбу ҳужжат мамлакатимиз миллий иқтисодийнинг шакллантириш, уни тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришнинг ҳуқуқий қароратидир. Қолаверса, у мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг манъийлиги давоми сифатида экин майдонларидан фойдаланиш янада оптималлаштириш зарурлигини ҳамда ушбу жараёнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Авалло, мазкур ҳужжат 2009 йил ҳосилдан бошлаб пахта экиладиган майдонларни қисқартириш орқали бошонли дон экинлари экиладиган майдонларни қарийб 50 минг гектарга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, асосий қонун, яъни конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга го ва қондалар мустаҳкамланади. Шу тариха ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституциянинг устуворлиги яна шунда намойн бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари, балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлгандагина жамиятда конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: ҳў, қандай функциялар конституцияга ҳос, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантиришга у қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволнинг жавоби қўнчига давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётида конституциянинг аҳамияти ва ўрни нимадан иборат эканлигини аниқлаб этишга ёрдам беради.

Биринчидан, конституция асосий қонун сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тартибга солинадиган объект ҳисобланган барча жабҳаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Бирок конституциянинг тартибга солиш таъсири бевосита шаклда ҳам амалга оширилади. Масалан, унинг жорий ва соҳавий қонунчиликка сингари Конституцияга асосан ҳокимият институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи ривожланиш амалиёти билан сингалган маҳалла институти ташкил этилган ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳўжалик меъёрларини яратиш билан чекланмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тизимларини қайта ташкил этиш ва тақомиллаштириш ҳамда ҳудудий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясини «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари» бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қўмуслимининг «Асосий принциплар» бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-

давлатта нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойиллари қатта аҳамият берилган. Чўнони, Конституцияимизнинг 14-моддасида «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» деб қайд этилган. Ушбу гоъларни жамомат ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этишчи асосий гоълар мустаҳкамланган.

Конституцияимизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тизимларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган.

Собик шўро тизими даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устўн эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу мадана мустақил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган, яъни, шахс манфаатлари устўнлиги, уни «олий қадрият» деб эътироф этиш нуктаи назардан ҳал этилган (13-модда). Шунингдек, Конституцияимизда «фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги» принципнинг мустаҳкамлангани бундай нуктаи назар изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистоннинг конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилган халқимиз барпо этиётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини аниқлатади.

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган демократик қондалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги эътироф этилганлиги алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда цензуранинг бекор қилиниши, ҳокимиятларни тақсимлаш гоъсининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўйилмаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан ваколат берилган органларнинг давлат ҳокимиятини халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириши — буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатган ҳолда, ижтимоий

рлар ва миллатларо тўтувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ шу йил 1 май куни «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури» тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз оптимизта халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бир соҳада қабул қилинган олтинта асосий халқаро шартнома қатнашчиси га айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қондалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Конституциявий тамойиллар асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишлари

Бунингдек, озоликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллаш кенгайтирилди. Жиноий жазо тури сифатида шўролар давридан ўтган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Воғая етмаганлар, хотин-қизлар ва кексаларга нисбатан қўлланялган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор энгилликлар берилди. Жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш мuddатлари қисқартирилди. Жиноят қонунчилиги янги — ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

Бир мисол, 2001 йил октябрдан 2008 йил октябргача бўлган даврда судда кўриб чиқиш жараёнида келтирилган зарар қопланганлиги сабабли 10 минг 785 нафар шахсга озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога тортилган шахслар сони XX асрнинг 80-90-йилларидаги нисбатан бугунга келиб уч баробар қисқарди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бунинг натижасида, ҳўбсга олинганлар сони 2007 йилнинг 9 ойидаги нисбатан жорий йилнинг айни даврда 1,5 минг шахсга қисқарди, тегишли қонун кўчига киргандан бўён судлар томонидан 186 нафар кишини қамоққа олиш тўғрисидаги прокурор илтимосномалари рад этилди.

Бундай ютуқ ва ўзгаришларнинг барчаси, аввало, Конституцияимиз тамойилларининг ҳаётга изчиллик билан жорий этилиши натижасида қўлга киритилмоқда.

Бўритош МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси. (ЎзА).

ЭРКИНЛИК ВА ФАРАВОНЛИК КАФОЛАТИ

атчиллик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади.

Тўртинчидан, конституция тегишли давлат ҳокимияти тизимларини таъсис этиш орқали ижтимоий ривожланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ҳокимият институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи ривожланиш амалиёти билан сингалган маҳалла институти ташкил этилган ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳўжалик меъёрларини яратиш билан чекланмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тизимларини қайта ташкил этиш ва тақомиллаштириш ҳамда ҳудудий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясини «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари» бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қўмуслимининг «Асосий принциплар» бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-

рлар ва миллатларо тўтувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ шу йил 1 май куни «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури» тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб белгилади.


Истиқлол йилларида мамлакатимиз оптимизта халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бир соҳада қабул қилинган олтинта асосий халқаро шартнома қатнашчиси га айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қондалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Конституциявий тамойиллар асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишлари

Бунёдкорлик

Андижонда истиклол иншоотларидан бири — «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди. Бу марказни чинакам кошона, эртақлардаги афсонавий шаҳар деб айтиш мумкин.



ЁШЛАР МАРКАЗИ — ЧИНАКАМ КОШОНА

Ташландиқ ҳолга келиб қолган марказий универсал мағазининг уч қаватли биносини сотиб олган тадбиркор «Мустақиллик АН» МНЖнинг бошлиғи Нурилло Раҳматуллаев бошчилигида қурувчилар атиги 9 ой давомида мана шундай улкан мажмуани қайта тикладилар. Марказни қуриш ва жиҳозлаш учун «Узсанотқурилишбанк»нинг

Андижон минтақавий бўлимидан олинган 8 миллиард сўм кредит маблағи сарфланди. Маҳобатли бинаго жойлашган марказда 800 ўринли тўйхона-ресторан, 150 та компьютер ўрнатилган ахборот-ресурс маркази, болалар шаҳарчаси, 28 турдаги касб-ҳунарни ўргатувчи ўқув муассасаси мавжуд. Машғулотларда бир кунда 2,5 минг

нафар бола қатнашади. 12 қаторли «Боулинг» кўнгилочар ўйини, том устида — оқик осмон остида ташкил этилган бейсбол ҳамда ҳайвонот боғи, ойнавадд лифт — буларнинг барчаси ёшлар учун мўъжиза ва ҳайратлар дунёсидир.

И. ЭҒАМНАЗАРОВ.



Х. АРАББОЕВ олган суратлар.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бекобод туманининг қарийб тўрт минг киши яшайдиган энг чекка Ачамайли қишлоғида маҳалла раислигига сайлов ўтказилди. Оқсоқолликка муқобиллик асосида уч номзод кўрсатилди. Овоз бериш ёлқи-яширин тарзда ўтказилди. Яқиний натижалардан эса маҳалладошлар қониқиш ҳосил қилдилар.

ОШКОРАЛИК — АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Дарвоқе, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларга Тошкент вилоятидаги 164 та шаҳарча ва қишлоқ, 1280 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам олдиндан пухта ҳозирлик қўрилди. Тадбирчи юксак савияда ўтказилиши учун туман ва шаҳарларда уни ўтказишга кўмаклашувчи 21 та комиссия, 1444 та ишчи гуруҳи тўзилди. Сайловчилар вакилларини аниқлаш ва сайловни ўтказишга доир масалаларга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари уюштириб, малакали ҳуқуқшунослар чиқиш қилдилар.

Вилоятда сайлов кампаниясига пухта ҳозирлик қўрилди. Катта обур-эътиборга, одамлар бошини қовуштириш, уларни ўз ортидан эргаштириш олиш ва тадбиркорлик фазилатларига

эга, теран фикрли, пухта билимли, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий муаммоларини қатъий ҳал эта оладиган муносиб номзодлар сайланапти.

Шубҳасиз, сайловлар жараёнида ташкилий масалаларга алоҳида аҳамият берилаяпти. Қишлоқ ва маҳаллаларда тадбирчи ўтказиш мuddати, жойи ва вақти аниқ белгиланмоқда. Номзодлар муайян ҳудудда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олинган ҳолда, ишчи гуруҳлари томонидан кўрсатилмоқда. Шу асно муқобиллик тамойилига қатъий риоя қилинапти. Масалан, Тошкент туманида жами 69 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини бўлгани ҳолда раисликка 275 кишининг номзоди кўрсатилди.

А. ҲАЙДАРОВ. «Халқ сўзи» муҳбири.

ҚИШ ПУХТАЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкоммуниксизмат» агентлиги ва «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида иқтисодий тармоқларида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масалага бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда ўтган мавсумда йўл қўйилган қамчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, янги мавсумда истеъмолчиларни электр энергияси, иссиқлик ва газ билан ишончли таъминлашни йўлида амалга ошириляётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидландики, Президентимизнинг «Республиканинг иқтисодий соҳаларининг 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумида мустаҳкам ишлашга тайёргарлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борода дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Жумладан, вилоятлар, шаҳар ва туманларга электр ва иссиқлик энергиясининг етарли даражада етказилиши мавжуд қозонлар, турбоагрегатлар, гидроагрегатлар, электр узатиш линиялари, трансформаторлар ва тақсимлаш пунктларини таъмирлашга эришилмоқда. Хусусан, «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан икки электр станцияси — Ангрн ва Янги Ангрн ИЭСларининг барқарор ишлаш учун бир млн. тоннадан зиёд кўмир жамғариб қўйилди. Энергетика корхоналарининг акцияларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобига Сирдарё ИЭСнинг 300 МВт қувватга

ЖАҲОН 24 соат ичида

Нефть яна арзонлашди

«АФР» агентлигининг маълум қилишича, жаҳон бозорида нефть нархи яна арзонлашган.

Лондоннинг «СЕ» биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида «Brent» русумидаги «қора олтин»нинг бир баррели 54,92 АҚШ долларига баҳоланди. Нью-Йорк биржасида эса «WTI» типидagi нефть 62,41 АҚШ долларига сотилди.

Айтиш жоиз, 2007 йилнинг январь ойидан буён нефть нархи бу даражада пасаймаганди.

Ҳарбийлар қароргоҳига ҳужум

Покистон шимоли-шарқида жойлашган мамлакат қуролли кучларига тегишли қароргоҳга террорчилар томонидан ҳужум уюштирилди.

Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги маълумот тарқатди. Манбаларга қараганда, террорчи машина билан қароргоҳга яқинлашиб келиб, портловчи қурилмани ҳаракатга келтирган. Натيجада икки

Қисқартириш маблағни тежайди

«Nokia Siemens Networks» Финляндия — Германия қўша қорхонаси 1820 нафар ишчи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқда.

«Reuters» ахборот агентлиги хабарига қўра, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган иқтисодий инқироз туфайли компания шундай қарорга келган. Тахлилчиларнинг фикрича, шу йўл орқали 2 миллиард евро миқдоридagi маблағ тежай қолинади. 2007 йил апрель ойида «Nokia Siemens Networks» тўққиз миң нафар ходими ишдан озод қилишни режалаштирган бўлса-да, фаолиятдаги барқарорлик сабабли бу иш амалга оширилмаётган. Абирим тахминларга қўра, қўша қорхона узининг асосий рақобатчиларидан бири саналган Канаданинг «Nortel» компанияси 1,3 миң ишчисини ишдан бўшатганидан сўнг шундай йўл тутган.

Ўқишга қарор қилди

«Associated Press» агентлиги маълумотларига қараганда, Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) ўзининг Жаңабий Корея билан қуруқликдаги чегараларини ўқишга қарор қилган.

«Икки давлатнинг қуруқликдаги чегаралари жорий йилнинг биринчи декабрь санаидан ёпилади ёки бориш-келиш қаттиқ назоратга олинади», дейилади КХДР ҳарбийлари томонидан берилган расмий баёнотда. Манбаларга қўра, КХДРнинг бундай қарорга келишига мазкур давлатлар ўртасида 2000 ва 2007 йилларда имзоланган икки томонлама битимларга Жанубий Корея томони амал қилмагани сабаб бўлган. Лекин КХДР расмийлари келишувларнинг айнан қайси бандлари бузилгани тўғрисида маълумот беришмаган.

Синов муваффақиятли ўтди

Эрон янги тайёрланган «Самен» баллистик ракетасини синовдан ўтказди.

«Press TV» хабарига айтилишича, Мариван шаҳрида амалга оширилган тажриба муваффақиятли якунланган. Янги қуролнинг техник афзалликлари тўғрисида маълумотлар берилмаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Эрон жорий йилнинг июль ойида «Шаҳоб-3» баллистик ракетасини ҳам синов қўрганди ва у икки миң километр узоқликдаги нишонни аниқ мўлжалга олиши айтиб ўтилганди.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ДИЛЕР ОФИЦИАЛЬНОГО ЭКСПОРТЕРА — ООО «GRAND MOTORS»

Реализация и сервисное обслуживание автомобилей

TOYOTA марок **LEXUS**

Drive your dream

Гарантия: TOYOTA — 12 месеца или 30 тыс. км пробега; LEXUS — 24 месеца или 50 тыс. км пробега.

Форма оплаты — любая. Лизинг.

Г. Ташкент, ул. Беруни, 2. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв.л. 4, д. 67

Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шухрат»)

ПРОТЕКА BANK

Бугунги кунда акциядорлик тижорат «Ипотекабанк»нинг Қорақалпоғистон филиали тасарруфида 10 та мини банк, 12 та жамғарма касса, 4 та валюта айирбошлаш соҳобчаси мавжуд. Улар томонидан 2587 та миложга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиламоқда. Айниқса, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилапти. Буни жорий йилнинг ўтган даврида жами 4588,3 миллион сўмлик кредитлар ажратилгани яққол кўрсатиб турибди. Унинг 1050,3 миллион сўми қисқа, 3538,0 миллион сўми эса узоқ мuddатлидир.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Ана шу маблағнинг 698,9 миллион сўми санoатга, 419,0 миллион сўми қишлоқ хўжалиғига, 15,0 миллион сўми транспорт ва алоқа тизимига, 2230,6 миллион сўми қурилишга, 253,5 миллион сўми савдо ва умумий оvқатланиш соҳасига йўналтирилгани алоҳида таъкидлаб ўтиш лoзим. Жумладан, Тўрақўли қурилишнинг мувофиқлаштириш дирекциясига 60,0 миллион сўмлик, «Агроқурилишэнергомонтаж» МЧЖга 40,0 миллион сўмлик, «Ойдин орол тўлкини» МЧЖга 40,0 миллион сўмлик кредитлар берилди. Бундан ташқари, «ККАСИ қурилиш» МЧЖга қурилиш материаллари сотиб олиш учун, «Нукус деҳқон бозори» ОАЖга бозор биносини қайта таъмирлаш учун катта миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишда банкнинг 12 та жамғарма кассаси хизмати салмоқли бўлапти. Уларнинг коммунал ва бошқа тўловларини қабул қилаётгани миқозлар сафини кенгайтирмоқда. Турли мuddатли ва юқори фoизли «Антика», «Шодибена-2», «Зиё», «Адолат-2», «Нур-2» омонатлари миқозларга манзур бўлапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилингандан сўнг филиал томонидан «Имкон», «Муस्ताқиллик» номли омонатлар муомаласига чиқарилди. Ийиллик 18 фoиз тўловли ушбу омонатларга 1 ойдан 12 ойгача бўлган мuddатга маблағлар қабул қилинмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш, банк миқозлари ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, шунингдек, филиалда «Вестерн-Юнион», «Тезкор почта», «Контакт», «Близко», «Мигом» сингари халқаро пул ўтказмалари хизмати ҳам йўлга қўйилган. Эндиликда банк миқозлари мазкур шахобчалар орқали халқаро пул ўтказмалари хизматидан кенг фойдаланмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиғи қорхоналари, хусусан, фермерларга хизмат кўрсатиш филиалнинг асосий йўналишларидан биридир. Ҳозирда 138 та фермер хўжалиғи филиал миқозига ҳисобланади. Ушбу хўжалиқларга пахта хом ашёси етиштириш учун 371,2 млн. сўм, фалла



етиштириш учун 29,0 млн. сўм, бошқа қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш учун 31,2 млн. сўм миқдориди кредит маблағлари ажратилганлиги туфайли жорий йилда қишлоқ хўжалиғи экинларидан юқори ҳосил олинди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистонда қорвачиликни жадал ривожлантириш ишларига ҳам филиал муносиб ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шаҳсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жорий йилда 245 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 217,9 миллион сўм миқдорда кредит ажратилгани шундан далolat беради.

— Юртимизда 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёш авлодга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди, — дейди филиал бошқарувчиси Шухрат Расулов. — Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 29 та ёш оилага уй-жой сотиб олиш учун 418,6 млн. сўм миқдорда узоқ мuddатли ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, Юртбошимизнинг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, яна 29 та ёш оилага 359,0 млн. сўм миқдорда ипотека кредитлари берилди. Қўллаб ёш оилалар эса банкнинг истеъмол кредитларидан фойдаланиб, хонадонлари учун зарур бўлган маиший техника жиҳозлари ва мебелларни харид қилишмоқда.

Яқинда Нукуснинг қоқ марказида қад кўтарган иккита замонавий услубдаги кўп қаватли тураржой биноси шаҳарнинг кўрқига-кўрқ қўшди. Бу иморатларни ҳам акциядорлик тижорат «Ипотекабанк»нинг Қорақалпоғистон филиали молиявий кўмаги билан «ККАСИ қурилиш» МЧЖ қурувчилари бунёд этишди. Уларнинг қалити янги йил арафасида ёш оилаларга топширилади.

ҲИДОЯТ АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабарлар оқимидан

Хунарманчиликдан — кичик бизнесга

Учқўрғон туманида миллий хунарманчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар сўй-ҳаракати билан қўллаб-ялғи иш ўринлари яратилапти.

Ёрқинбойчек қишлоғида яшовчи Шарофатхон Қодиров ва қўли гул чевар. У яқинда ўн нафар қизни қабатига олиб, аёллар қўллақлари, эркаклар костюм-шими, мактаб ўқувчилари либослари тикишни йўлга қўйди. Мунаввархон Жўраева эса ўз хонадонда рўзгор ашёлари тикиш билан шуғулланмоқда. Валихон Раҳимов ва Салимхон Қўрбонларнинг дурдодорлик устаноналарида ясалаятган сандиқ, жавон ҳамда маҳаллий мебелларнинг ҳам бозори чаққон. Энг муҳими, кичик бизнес эгаларининг «Бандлик» дастури ижросидаги иштирокидан қўнчилик хурсанд.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишлаб чиқариш қуввати ошмоқда

Андижон туманидаги «Рубер трас» хусусий қорхонаси ошдирилиши туфайли оғайи 70-80 миң жуфт қалиш қорхонанинг фирма дўконлари орқали сотувага чиқарилмоқда.

Қорхонада яқинда ишга туширилган қўйиш цехида эса эркаклар, аёллар ва болалар учун ёнги ёзги оёқ кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

И. ЭГМАНАЗАРОВ.

Иزلаниш

«Урганч ўт ўриш машиналари заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, қорхонани қайтадан модернизациялаш ишлари амалга оширилгани боис маҳсулот салмоғи ортиб, сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Мазкур қорхонада қишлоқ хўжалиғи экинларини йиғиштириш учун мўлжалланган агрегатлар, шунингдек, плуглар, селякалар, фермер хўжалиқлари учун техника воситалари ишлаб чиқарилади. Ишчи-хизматчиларнинг сўй-ҳаракати билан бу ерда йил бошидан буён икки миллиард сўмликка яқин маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

— Ишлаб чиқарилаётган агрегатларини янада тақомиллаштириш, сифатини яхшилаш, турини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди мазкур акциядорлик жамияти раиси Отабой Отахонов. — Шу туфайли қорхонада тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортиб бораётган. Яқинда 60 миң АҚШ доллари миқдоридagi қишлоқ хўжалиғи техникаларини экспорт қилдик.

Ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланаётгани қорхона иқтисодиётини мустақамлашга хизмат қилапти. Буни жамиятнинг ўтган тўққиз ой мобайнида 300 миллион сўм соф фойда олгани ҳам кўрсатиб турибди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎЗА мухбири.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи»!

Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги 578-Ф сонли фармойишига асосан мамлакатимизда 10 ноябрдан 10 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи» ўтказилади. Ушбу тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли тураржойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб этишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Бу даврда ёнғин хавфсизлиги қондаларига қитъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор кўрдодларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

«INTEGRAL ASIA»

17" мониторли P4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Товар сертифициланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integral-asia.com

ЕВРООКНА И ДВЕРИ

- изготавливаются по заказу по немецкой технологии на немецком оборудовании
- из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород

Тел.: 775-45-75, 269-15-33, факс 262-39-66, e-mail: toemz1@sarkor.uz

ОПИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ҳудуддаги қўйидаги техник ускуналарга хизмат кўрсатиш ишлари учун танлов савдоси ўтказилади:

- қозонхона;
- совуқ сув насослари ва бассейни (сузиш хавзаси);
- ёнғиндан оғоҳ этиш воситалари;
- СЭС хизматлари;
- кондиционерлар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй. Тел./факс: 244-56-26.

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан» журнаliga 2009 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалиқ суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалиқ ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалиқ судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АҚнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, тахририят орқали арзонлаштирилган нарҳда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 277-96-60, 277-91-66.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш департаменти бошқарма бошлиғи Лола Алимхамедовага отаси **Артик НОРМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси компаниянинг Самарқанд вилояти филиали директори Алишер Гаффоровга падари бузруквори

СОДИҚ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси институт қошидаги академик лицей директори, доцент Элнора Махмудовага акаси, физика-математика фанлари номзоли, доцент **Элдор ШАМСИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«TOSOL-N» МЧЖ

ИЧКИ ЁНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН

ОЖ рўсумли совитувчи суюқлик — антифриз ишлаб чиқаради «TOSOL-A30, A40, A65, TOSOL-AM концентрат»

Мазкур маҳсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камрок занглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Маҳсулот миқозининг хоҳишига қараб 5 кг, 10 кглик идишлар ва 200 литрли бочкаларга қадокланади

тўлов усули — нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Исмаил ота кўчаси, 1-уй

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ мамлакатимиз ривожланишида муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда).

қолдирган бебаҳо асарлари сақланяпти. Шунингдек, кутубхонада асосий фондларни сақлаш, вақтли матбуот, хорижий тиллардаги адабиётлар, маълумот-библиография нашрлари, кутубхонанинг нота нашрлари ва граммузавлар, диссертация, илмий-техник ҳужжатлар ва саноят каталоглари сингари фондлар фаолият кўрсатмоқда. Кутубхона қошида ташкил этилган Ёшлар ахборот-ресурс марказида эса замонавий технологиялар ёрдамида энг сўнгги ангиллик ва маълумотларга эга бўлиш мумкин.

— Кутубхонада электрон каталогларнинг мавжудлиги биз учун қўлай имкониятдир, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Феруза Умрзокова. — Авалгидек, ўзи-

мизга керакли адабиётни минглаб китоблар орасидан қидириб овера бўлмаймиз. Зеро, бу қўлайликнинг илмий-тадқиқот олиб бораётган биз каби ёшлар учун аҳамияти беқиёс. Бундан ташқари, кутубхона қошида фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказида компьютер, интернет сингари замонавий имкониятлардан, ноёб қўлёзмаларнинг электрон нусхаларидан бемалол фойдаланишимиз мумкин. Яқин келажақда бу ерда масофадан хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши ҳақида эшитиб, янада хурсанд бўлдик. Эндиликда уйда, ўқиш ёки иш жойимизда ўтириб ҳам компьютер орқали кутубхона хизматидан фойдаланишимиз, зарур манба ёки маълумотни осонгина қўлга киритишимиз мумкин.

Муборак ОХУНОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Илғор — оддий қишлоқ йигити. Болалиги Жондор туманидаги Шўрча қишлоғида ўтган. Тўйларда кураш тушиб, элга танилган.

«НОМДОР СПОРТЧИ БЎЛСАМ ДЕЙМАН»


Жондор саноят касб-хунар коллежида ўқиб юрган пайтида Бухоро шаҳрига бориб, тажрибали мураббийлар қўл остида самбо бўйича маҳоратини оширди. Шу тариқа у мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва Европа чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар устози Собир Қурбонов назари ва эътиборига тушди. Таникли мураббийнинг сабр-тоқат, чидам, куч-қувват талаб қиладиган машғулотларида Илғор астойдил шуғулланди.

— Тайёргарлик машқларига жиддий эътибор қаратса, Илғордан яхши спортчи чиқишини биринчи кўришимдаёқ пайқандим, — дейди С. Қурбонов. — Ҳар қандай мураббий бундай шогирди билан фахрлана арийдими. Дарҳақиқат, жондорлик йигит, устози айтганидек, астойдил шуғулланиб, муваффа-

қиятга эриша бошлади. Хусусан, шу йилнинг 8-10 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида самбо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Илғор Асадов барча рақибларидан устун келиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлди.

Ифтихор

— Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли 2-сон ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактабида самбо сирларини ўрганаётган, — дейди жаҳон чемпиони. — Бу ерда биз, ёшлар учун барча қўлайликлар яратилган. Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев, дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси бронза медали соҳиби Ришод Собиров, Олимпиада иштирокчиси Мирали Шарипов каби мактабимиз тарбияланувчиларига ҳавас қилиб, машғулотларга зўр бера-



ТЕННИСЧИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Хиндистонда хотин-қизлар ўртасидаги "Pune-2008" халқаро турнирида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Александр Колесниченко ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

У биринчи босқичда Жанубий Корея вакиласи Хаэ Сунг Кимга қарши қорқма чикиб, 7:6, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Дунё полвонлари Истамбулда беллашади

Эртага Туркиянинг Истамбул шаҳридаги муҳташам "Баҳсилайвер Билайди" спорт аренасида ўзбек спорти — кураш бўйича ёшлар ўртасида VI жаҳон чемпиони бошланади.

Унда дунёнинг 60 га яқин мамлакатидан келган курашчилар ғиламга чикши кутилмоқда. Мусобақада эркаклар 7 та, аёллар эса 5 та вазн тоифасида медаллар учун баҳс олиб боришади. Кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мурод Дўсимбетовнинг таъйинлашча, мамлакатимиз ёш полвонлари ушбу беллашувага пухта ҳозирлик кўришди.

Пойтахтимиздаги "Сағбон" спорт мажмуасида ташкиллаштирилган сўнгги ўқув-йиғин машғулотларидан сўнг энг сара курашчилар терма жамоа таркибига жалб қилинди.

Деяк, 14-16 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида Жасур Холмуродов (60 кг.), Азиз Санакулов (66 кг.), Яхё Имомов (73 кг.), Баходир Ғаниев (81 кг.), Эркин Дониёров (90 кг.), Ширин Шарипов (100 кг.), Болтабой Болтаев (+100 кг.), Шоҳида Назарова (52 кг.), Гулнора Сулаймонова (57 кг.), Умида Матёқубова (63 кг.), Сўбхия Мусаева (70 кг.) ва Малоҳат Рўзиева (+70 кг.)лар юртимиз шарафини ҳумоа қилишади.

Олимпиада ўйинлари ангиланиши арафасида

2016 йили ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинлари дастури иккита янги спорт тури билан бойиши мумкин, деб хабар беради "Весь спорт" агентлиги. Бу масала Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК) махсус комиссиясининг жорий йил 14 ноябрь кунли Лозанна (Швейцария) шаҳрида бўлиб ўтадиган йиғилишида кўриб чиқиладиган.

Маълумки, ХОКнинг 2005 йилги кенгайтирилган йиғилишида 2012 йил Лондон (Англия) шаҳри мезбонлик қиладиган Олимпиада ўйинлари дастуридан бейсбол ва софтбол спорт турларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган. Янги спорт турларини қабул қилиш масаласи эса очик қолаётган.

Яқуний қарор, ХОКнинг 2009 йил Даниянинг Копенгаген шаҳрида ўтказиладиган 121-сессиясида эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, 2016 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари мезбонлигига Чикаго (АҚШ), Мадрид (Испания), Рио-де-Жанейро (Бразилия) ва Токио (Япония) шаҳарлари номзоди қўйилган.

Эвдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Андижонлик сузувчилар маҳорати

Андижонда спортнинг бошқа турлари қатори сузиш ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган республика чемпионати ва биринчилигида андижонлик ёш спортчилар 16 та олтин, 5 та кумуш ва 9 та бронза медали соҳиби бўлганлари фикримизнинг исботидир.

Хусусан, Раёно Омонова 400 метрга комплекс, 400 ва 800 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида олтин медалини қўлга киритиб, мутахассислар эътиборини қозонди. Шунинг-

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РАТБ «Галлабанк»

томонидан 2 йиллик муддати билан «Адолат» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январьга қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорда устама ҳисобланади ва ҳар икки ойда тўлаб берилади.

«Галлабанк» — хонадонингизга баракка келтирсин!

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади.

ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН

Кунни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Иблис девори» деб номланган янги бадиий фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.


Тадбирда сўзга чиққанлар кинода илғари сурилган гоа, қариндошлар орасидаги меҳроқибат, ўзаро ҳурмат-иззат каби хислатларнинг қон-қонимизга сингиб кетганлигини ўзига хос тарзда

Кино

ушбу бадиий фильмда тасвирлангани билан кейинги пайтларда яратилаётган кинолардан фарқ қилиши, икки ака-ука ўртасидаги келишимчилик орқали ҳаётда учрайдиган ноҳуш воқеаларнинг экрандаги талқини ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмаслиги, фильм томошабинни ўйлашга ва мушо-

ҳадага қорлаши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тоҳир Малик асари асосида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев суратга олган мазкур кинодаги ролларни Карим Мирҳодиев, Элёр Носиров, Хайрулла Саъдиев, Элмира Раҳимжонова каби иқтидорли актёрлар ижро этишган. Енгил-елпи, бачкана лавҳалардан бутунлай холи бўлган «Иблис девори» табиий ва ишонarli чикқанлиги билан ҳам эътиборга арзиғулик бадиий фильмдир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Болаликнинг сеҳрли дунёси

MMS-конкурс «Менинг кичкинтойим»

10 ноябрдан 10 декабргача фарзандингизнинг қизиқарли фотосуратини MMS орқали kids@mts.uz e-mailига юборинг ва совғали конкурсда иштирон этинг.

Юборилган MMS-фотосуратлар www.kids@mts.uz сайти Галереясида жой олади ва ҳар бир фотогонод берилди, у бўйича танлов иштирончилари учун овоз бериш мумкин.

350 қисқа рақамига фотосурат қодини SMS орқали юбориш йўли билан фотосуратларга овоз бериш мумкин.

Энг кўп овоз олган учта фотосурат эгалари қўйидаги мунофотлар билан тақдирланадилар: **мобил телефон, фотоаппарат, рангли принтер.** Ахборот ҳамнори «Хумо» **HUMO**

MMS абонентлари учун:

• 15.11.2008 й.дан «Менга кўнғироқ қил» хизмати сўровларини фақатгина тармоқ ичида эмас, балки Ўзбекистондаги барча мобил операторлар абонентларига ҳам юбориш мумкин, бир сўров нархи — \$0,01

• 01.12.2008 й.дан «Сизга кўнғироқ қилишди» хизмати учун абонент тўлови — \$0,10 ойига.

Батафсил: 0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz
Тўловлар сўмда УЗР МБнинг тўлов кундаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Узурробота» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган



МТСдан «Менинг кичкинтойим» фототанлови



Технологияларнинг ривожланиши билан суратга олувчи уяли телефон жуда кенг тарқалган усқуналардан бири бўлмоқда. Улар ёрдамида муҳрланган суратлар телефон хотира-сида анчагина сақланади. Бундай фотоальбомларда сезимли кичкинтойларимизнинг суратлари алоҳида ўрин эгаллаши табиий, албатта.

Мобил суратлар бўйича барча фотохаваскорларни MTS 2008 йил 10 ноябрдан 10 декабргача бўлиб ўтадиган «Менинг кичкинтойим» фототанловида иштирок этишга таклиф этади. Ушбу танловда катнашиш учун мобил телефонингиздан болаларнинг қизиқарли фотосуратини MMS орқали kids@mts.uz электрон манзилга юборсангиз қифоа.

«Менинг кичкинтойим» танловида иштирок этиш учун қабул қилинган суратлар www.kids.mts.uz сайтида жойлаштирилади ва ҳар бир суратга алоҳида идентификацион ID-рақам берилади.

МТС-Ўзбекистон миқозлари ўзларига ёққан суратларга мобил телефонлардан 350 рақамига суратнинг ID-рақамини SMS орқали юбориш, овоз беришлари мумкин.

Энг қизиқарли суратлар фототанловнинг ахборот

ҳамқори бўлган «HUMO» газетаси саҳифаларида чоп этилади.

Энг кўп овоз олган учта фотосурат соҳиби қимматбаҳо совринларга эга бўлади:

- 1 ўринга — мобил телефон аппарати
 - 2 ўринга — рақамли фотоаппарат
 - 3 ўринга — рангли принтер.
- «Менинг кичкинтойим» MMS-фототанлови ҳақида батафсил маълумотлар билан танлов сайтида танишиб чикши мумкин. MMS хизматини ёқиш ва созлаб олиш ҳақида маълумотларни MTS компанияси сайтида билиш мумкин.
- * Фотосуратни 1 MMS-хабарни kids@mts.uz электрон адресига юбориш нархи — \$0,05
 - * Фотосуратга овоз бериш учун 350 рақамига 1 SMS-хабар юбориш нархи — \$0,02.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тервиди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.30

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жоңихонов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

Тошпирилди — 22.30